# Маърифат

*Халқ зиёлилари рўзномаси*

*1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган*

1992 ЙИЛ 14 МАРТ, ШАНБА

№ 31 (5627). Баҳоси: обуначига 16 тийин, сотувда 60 тийин.


## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни республика олий ўқув юртларида ўқишга танлашда ягона давлат сиёсатини ўтказиш, жамиятнинг интеллектуал қувватини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш мақсадида, шунингдек, жамоатчиликнинг истакларини эътиборга олиб:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1992—93 ўқув йилидан бошлаб тажриба тариқасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли университетлар тегишли соҳа (ўқитувчи кадрлар тайёрлаш билан банд бўлган) факультетларининг кундузги бўлимларига мазкур фаолият турига мойил бўлган мактаб ўқувчилари ҳамда бошқа тоифадаги ёшлардан иборат абитурентларни синаб кўриш асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Алоқа вазирлиги мазкур тажрибани Тошкент давлат техника университетида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида, Тошкент автомобиль-йўл институтида, Фарғона давлат университетида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида, Тошкент электр техника алоқа институтида ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

— 10 кун муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин;

— бир ой муддат ичида Фармоннинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитурентларни танлаш ва қабул қилиш республика марказини ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 март.

## АМАЛИЙ КЕНГАШ

**Куни кеча Тошкент шаҳридаги Лутфий номли 254-илм масканида «Мактабда методик ишларни жонлантириш масалалари»га бағишланган амалий кенгаш бўлиб ўтди. Унда барча ноҳияларга қарашли мактабларнинг илмий бўлим мудирлари, методист-ўқитувчилар иштирок этдилар.**

**Кенгашда шу мактабнинг чет тили фани ўқитувчиси М. Турсунова «Мактабда методик ишларнинг самарадорлигини ошириш йўллари» хусусида таҳлилий фикр юритди. Шу қаторда у ўз маърузасида мактабда бутун диққат-эътибор методик ишларга қаратилаётгани, услубий ишлар таъсирида илм масканидаги фаолият кўрсатаётган 11 нафар ўқитувчига олий, 28 нафарига эса биринчи тоифа берилгани ҳақидаги далилларга ҳам тўхталди.**

**Маъруза тугагач, мактаб методик бирлашмаси раҳбари Р. Шермуҳамедова «Расм, ашула, меҳнат, бадантарбия фанлари ойлиги»ни таҳлил этиб, шу хусусда атрофлича сўзлади. Шундан сўнг кенгаш қатнашчилари бошланғич синф ўқитувчиси М. Мавлонованинг иш тажрибаси билан танишдилар. Қисқаси, барча иштирокчилар мазкур тадбирнинг чуқур илмий ёндашувлар асосида ташкил этилганлигини таъкидладилар.**

**Кенгаш якунида олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ф. Муҳамедова йиғилганларга «Мактабда «Наврўз» байрамини ўтказилиш тартиби» ҳақида ахборот берди. Сўнгра ушбу байрамни жозибали ўтказишга тайёргарлик кўраётган фаоллар «Наврўз» адабий-бадиий, мусиқали драматик кўрсатувидан кўринишлар ижро этдилар. Бу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.**

**Қ. МАТҚУРБОНОВ.**

## ТИББИЁТ ЛИЦЕЙИ ОЧИЛДИ

Андижон давлат тиббиёт олийгоҳи ректорати ташаббуси билан Қўрғонтепа ноҳиясидаги 1-ўрта мактабда шифокорлик йўналиши бўйича лицей очилди. Лицейга ноҳиядаги ўрта мактаб битирувчиларидан иқтидорли, шифокорлик касбини ёшликдан орзу қилиб келган 12 нафар йигит-қиз қабул қилинди.

Лицейга қабул қилинган ўқувчиларга ноҳиядаги хўжаликлар, саноат корхоналари ҳомийлик қилмоқда.

**А. МАҚСУДОВ.**
**Андижон вилояти.**

# НАВРЎЗИМИЗ—БОЙЛИГИМИЗ

## ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Пойтахтимизнинг Бобур ноҳиясидаги Майна Ҳасанова номли 144-ўрта мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси умумхалқ хайрия ҳашарига ҳозирлик ишларини барвақт бошлаб юбордилар.

Илм маскани атрофидаги кўчалар, йўлкалар, ариқ-зовурлар ва мактаб ҳовлиси тозаланиб, тартибга келтирилди. Юқори синф ўқувчилари томонидан мактаб ҳудудидаги экин майдонлари чопилиб, беда экишга тайёрлаб қўйилди. Гуллар ва дарахтларнинг таги юмшатилди.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишда А. Мамарасулова, М. Файзиева, А.

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Ваҳобов раҳбарлик қилаётган 10-«Б», 9-«В», 9-«Г» синфларининг ўқувчилари бошқаларга намуна бўлишмоқда.

— Муқимий кўчасини оталиққа олганмиз, — дейди мактаб директори Мастура Юсупова. — Умумхалқ ҳашари кунида юқори синф ўқувчилари ана шу кўчани тозалаб, тартибга келтиришади, ариқ-зовурларни тозалашади. Билим масканида эса ўқитувчилар жамоаси ва 5-8-синф ўқувчилари ободонлаштириш ишларини олиб борадилар. 500 туп атиргул ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Дарахтлар оқланади, спорт майдончаси тартибга келтирилади.

Ҳозирги кунга қадар давлатга 1800 килограмм темир-терсак ва 500 килограмм қоғоз топширилди. Айни кунларда ўқувчилар рангли металл йиғиш тараддудидалар.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

## РЕЖАДАГИ ЮМУШЛАР УДДАЛАНАДИ

**Умумхалқ оммавий ҳашари кунига Фрунзе ноҳиясидаги ар-Розий номли 127-ўрта мактаб аҳли ҳам пухта тараддуд билан келди. Бугун илм маскани жамоаси уч гуруҳга бўлинган ҳолда фаолият кўрсатади. Унга беш кишидан иборат ҳашар ўтказиш штаби бошчилик қилади.**

**— Илм масканида бундан бир ҳафта олдин ҳашар ўтказиш штаби тузилган эди, — дейди мактабнинг синфдан ташқари ишлар бўйича директор муовини, — штаб бошлиғи Г. Исҳоқова. Унга ишчан ва илғор ўқитувчилардан З. Азимова, М. Ҳамидов, В. Зокирова, М. Мирҳайдарова ва Х. Узоқоваларни жалб этганмиз.**

**Юқори синф ўқувчилари Ҳамза Умаров кўчасида ободонлаштириш юмушлари билан шуғулланадилар. 8-синф ўқувчилари мактаб ҳудудидаги майдонларни текислаб, гул кўчатлари ўтқазадилар ҳамда улар «Қушбеги» мавзесидан Улуғ Ватан урушига кетиб ҳалок бўлганларга ўрнатилган ёдгорликнинг атрофини супуриб — сидирадилар. Учинчи гуруҳдаги ўқувчилар эса «Бошлиқ» мавзесидаги билим даргоҳига яқин бўлган кўча-йўлларни тозалаш ишлари билан машғул бўлдилар.**

**Қолган барча ўқувчилар, муаллимлар ва ишчи-хизматчилар мактаб санитария ҳолатини яхшилаш, қоғоз йиғиш, темир-терсак тўплаш каби ишларда фаоллик кўрсатадилар. Хуллас, кечгача режалаштирилган барча юмушлар уддаланади.**

**О. МАТҚУРБОНОВА.**
**Тошкент шаҳри.**



## ГУЛ ҲИДИ КЕЛАДИ ҲАВОДАН

**Наврўз Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг анъанавий байрамидир. Наврўз сўзининг асл маъноси янги кун демакдир. Қадим замонлардан буён қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши (узунлиги — вақт ҳисоби) йил боши ҳисобланган. Бу эски қуёш йили ҳисобида фарвардин ойининг аввалги, 21 март кунига кундузнинг узая бориши, табиатда жонланиш, уйғониш, баҳорнинг бошланиши даврига тўғри келади. Бу кун кичик Наврўз байрами ёки оммавий байрам дейилган. Шу куни ҳамма нарса (табиатда) амалга киради, деб ҳисоблаганлар. 21 мартдан 28 мартгача (бизнинг тақвим бўйича), яъни 6 кун мобайнида катта Наврўз нишонланган.**

**Наврўз байрамини, аввало, халқ кенг нишонлаган. Байрам кунлари ҳисобланган ҳафта давомида халқнинг турли табақалари хилма-хил тадбирларни амалга оширганлар. Масалан, шоҳлар ва бадавлат ер-мулк эгалари шу кунлари камбағалларга хайр-эҳсон улашган, 6 кун ичида 6 тоифа халқни қабул қилиб, уларга тортиқлар берган.**

**Ана шу кунга узоқ тайёргарлик кўрилиб, уй-жойлар тартибга келтирилган, тозаланган, кўчатлар, гуллар экилган, кўча ва гулзорларга баҳор байрами туси берилган. Кўкатлар ундирилиб, сумалаклар пиширилган, байрам дастурхонига кўкатлар қўйилган, 7 хил таом тортилган.**

**Байрам одамларнинг кайфиятида, кийинишида, бир-бирига муомаласида яққол ифодаланган. Шу кунлари яқин кишилар, дўстлар, қадрдонлар билан дийдор кўришилган, эски гиналарни, ўзаро муносабатдаги келишмовчиликларни унутишиб, кўнгилларини ташвишдан фориғ этишга ҳаракат қилганлар. Кўпчилик жам бўлган байрам мажлисларида айрим кишиларнинг (унинг ночорлиги ва виждонан поклиги эътиборга олиниб) қарзлари кечирилган, гуноҳларидан ўтилган. Марҳумларни хотирлаш, азали кишиларнинг уйларини зиёрат қилиш Наврўзнинг асосий белгиларидан бўлган.**

**Наврўз байрамлари қишлоқнинг (шаҳарнинг) энг катта чорбоғларида, гўзал ва шинам табиатли жойларда ўтган. Бу ерларда кайвони бувилар, чечан аёллар, хизматбарор келинлар ва қизлар байрам дастурхонини безаш билан шуғулланган, меҳмонларга кўклам таомларини тортишган. Кураш, дорбозлик, масхарабозлик ва турли хил қизиқ ўйинлар авжга чиққан, қизларнинг davраларида эса шўх гурунг, ўйин ва топишмоқлар айтиш (чистон) бошланган, ёшлар, болалар ҳайқириб ўйнаб юрган боғларда шўх қизлар ва келинчаклар ҳайинчак учиб, ўлан айтишиб, рақсга тушиб байрамга оро бағишлаганлар.**

**Наврўз байрамининг асосий моҳияти тупроқнинг етилиш фасли келганидан халқни огоҳ этиш, янги йил экин-тикинларини бошлашга йўлланма бериш ва деҳқон ишига омадлар тилашдир. Шунинг учун ҳам Наврўз байрами бошланган куни тупроққа илк уруғ қадаш расм бўлиб келган.**

**Кейинги йилларда Наврўз байрамига нисбатан нотўғри муносабатлар ҳукм сурган даврни ҳам кўрдик ва бу адолатсизлик эканини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Халқ бу қадимий байрамни унутмади, уни яширинча, тор доирада бўлса-да, нишонлаб келди.**

**Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизда покланиш ва янгиланишнинг озода шамоллари гуркираб эсар экан, Наврўз байрами ҳам янги мазмун билан бойиб, тобора оммавийроқ тусда кенг нишонланмоқда.**

**Наврўз байрами баҳорнинг пойқадами, табиатнинг уйғонишини, кўркамлашувини муборакбод этиш, элимизни мўл-кўл ноз-неъматлар билан таъминлаш учун катта меҳнат мавсумига рағбат муждаси, халқнинг эзгу байрамидир.**

**Эргаш АБДУЛЛА.**
**Қўқон.**

## ЯШИЛ БОҒЛАР ЯРАТАМИЗ



**Баҳор фасли бор-йўғини рўйи рост дастурхон қиладиган фасл. Айниқса, қор кўрпадан бўшанган боғлар, кўча ва йўлкалар кузги япроқларнинг чиқиндилари билан тўлганда, қиш бўйи муз қотган ахлат уюмларига ҳам унинг нафаси етиб борганда!.. Қуёш қўрини мўл-кўл тўкиб, атрофингга йиғиштириб ол, дегандек, чароғон ойнасини тутади. Шабада ғир-ғир эсиб, сенинг ишлашинг учун имконият яратади. Ердан бироз лой аридими, ариқларни тозалашга, кўзга кўримсиз нарсаларни йўқотишга енг шимариб киришмоқ даркор. Чунки баҳор тароватини кўм-кўк майса гиламларини озода маконда кўз-кўз этсин. Файзли, фароғатли кунларини тоза йўллардан солиб келсин!**

**Чиноз ноҳиясидаги Т. Рустамов номли мактаб ўқувчилари баҳорги юмушларини энг аввало, ана шундай кечикиб бўлмас ишдан бошладилар. Ахлат уюмларидан боғларни аритдилар, чириган япроқларни бўрсиб турган она-тупроққа топширдилар, ва эртанги кундан умидвор нигоҳ билан ҳамжиҳатликда дарахт экиш ишларини бошлаб юбордилар. Бу борада мураббийларнинг йўл-йўриғи, эътибору даъвати биринчи ўриндадир. Суратларда мактабнинг гўзалликка ва озодаликка ҳавасманд ёшларини иш устида кўриб турибсиз.**

**Р. Альбеков суратлари.**

# ЧИҚИНДИ МЕТАЛЛ—ЗАРУР ХОМАШЁ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Металл парчалари тўплаш, топшириш юзасидан давлат буюртмаси бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида» буйруқ чиқарди. Ҳужжатда таъкидланадики, 1992 йилда қора ва рангли металл парчалари топшириш режаларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида металл парчалари топширилишига мунтазам раҳбарлик қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг марказий штаби тузилсин. Штаб бошлиғи этиб вазир ўринбосари М. С. Султонов тайинланди.

Жойларда қора ва рангли металл парчалари тўплаш ва топширишга изчил раҳбарликни таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, барча вилоят халқ таълими бошқармалари, педагогика олий ўқув юртлари ва билим юртлари раҳбарларига шахсан ўзлари раҳбарлигидаги штаблар тузиш топширилди.

Металл парчалари тўплаш ва топшириш режаларини бажаришни жойларда таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бўйича ишчи гуруҳлари тузилди ва бу гуруҳларни бошқарувчи масъул ўртоқлар белгиланди. Бу гуруҳлар халқ таълими маҳаллий бошқармалари ва ўқув юртлари раҳбарлари қатори металл парчалари топшириш режаларининг бажарилишига жавоб берадилар.

Барча тузилган штаблар ҳар ойнинг 2-кунида марказий штабга металл парчалари топшириш режалари бажарилишининг бориши ҳақида ёзма ва 44-21-95, 44-58-60, 44-14-53 рақамли телефонлар бўйича ахборот берадилар.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги қора ва рангли металл парчалари тўплаб топширишнинг боришига раҳбарлик қилувчи марказий штаб бошлиғи, халқ таълими вазирининг ўринбосари **Муртазо Султонович Султоновга** мурожаат қилиб, умумдавлат аҳамиятига молик бу ишнинг моҳияти, ташкилий томонлари, жойлардаги аҳвол хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Мустақил Ўзбекистон иқтисодини ривожлантиришда металларнинг аҳамияти катталиги ҳаммага равшан. Заводлар, қурилишлар, умуман халқ хўжалигининг асосий соҳалари учун металл сув билан ҳаводек зарур, — деди М. С. Султонов. — Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида республикамиз корхоналарида металл танқислиги, айниқса, сезилмоқда. Бундай эҳтиёжни анъанага кўра чиқинди металларни тўплаш ва қайта ишлаш орқали маълум даражада қондириш мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон ҳукумати чиқинди металларни тўплаш ва топширишга умумдавлат аҳамиятига молик иш деб қараётир. Республикамиз мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабалари бу борада ҳамиша катта ҳиммат кўрсатиб келганлар.

Бироқ ўтган йили бу ишга айрим жойларда ташкилий жиҳатдан сустроқ қаралди. Натижада қора металл парчалари топшириш режаси 95 фоизга адо этилди, яъни 6065 тонна ўрнига 5779 тонна иккиламчи хомашё топширилди. Рангли металл топшириш режаси эса 90 фоизга адо этилиб, кўзда тутилганидан 8925 килограмм кам топширилди.

Ўтган йил якунларига кўра қора ва рангли металл парчалари тўплаб топшириш режаларини Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, бир қатор педагогика институтлари, 33 педагогика билим юртидан 25 таси муваффақиятли бажардилар. Бироқ умумдавлат аҳамиятига молик бу ишни уюшқоқлик билан ташкил қилмаганликлари сабабли Наманган, Жиззах, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармалари, Қарши, Наманган, Ангрен педагогика институтлари ва бошқалар белгиланган режани ўртача 80 фоизга уддаладилар. Ангор, Денов, Янгийўл, Қўқон, Марғилон педагогика билим юртлари эса режани бор-йўғи ўртача 30-40 фоизга адо этдилар, халос.

Бугунги кунда аҳвол қандай, деган савол туғилиши табиий. Ҳали ишга уюшқоқлик билан киришилмаганлигини январь ойига белгиланган режа жумҳуриятимиз бўйича бор-йўғи 56 фоиз бажарилганлиги кўрсатиб турибди. Маълумотлар кўрсатишича, ҳали бу ишга Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Хоразм вилоятларида, Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларида ва бир қатор билим юртларида уюшқоқлик билан киришилганича йўқ. Айрим вилоят халқ таълими бошқармаларининг раҳбарлари, педагогика билим юртлари директорлари бу муҳим вазифага масъулиятсизлик билан ёндашмоқдалар.

Аҳволни яхшилаш, қора ва рангли металл парчалари топшириш режалари бажарилишини жиддий назорат қилиш мақсадида вазирликнинг махсус буйруғи чиқарилди ва жойларга етказилди.

Ўйлаймизки, тузилган марказий штаб, жойлардаги штаблар иккиламчи хомашё йиғиш ва топширишни уюшқоқлик билан олиб борилишига масъулиятли раҳбарлик қиладилар, мустақил Ўзбекистон иқтисодий ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшиладиган металл чиқиндилари тўплашдек ҳимматли ишда вазирлигимиз тизимидаги барча мактаб ва ўқув юртлари жамоалари, ўқувчилар ва талабалар фаол қатнашадилар.

**(Рўзноманинг 2-саҳифасида тақсимот режаси берилмоқда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАР, ВИЛОЯТ ЎҚУВ КОЛЛЕКТОРЛАРИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРАЕТГАН ВИЛОЯТ БОШҚАРУВ МАЪМУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА 1992 ЙИЛДА ҚОРА МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИ ТОПШИРИШ РЕЖАЛАРИ

### МУАССАСАЛАР БЎЙИЧА

| Тартиб рақами | Муассаса номи | Топшириладиган қора металл парчалари миқдори (тонна ҳисобида): |
|---|---|---|
| 1. | Ўқувчилар саройи | 20 |
| 2. | Республика техник ижодкорлик маркази | 10 |
| 3. | Республика ёш табиатшунослар станцияси | 10 |
| 4. | Республика болалар ва ўсмирлар туризми маркази | 10 |
| | ЖАМИ | 50 |

### ВИЛОЯТ ЎҚУВ КОЛЛЕКТОРЛАРИ БЎЙИЧА:

| Тартиб рақами | Ўқув коллектори номи | Топшириладиган қора металл парчалари миқдори (тонна ҳисобида) |
|---|---|---|
| 1. | Республика ўқув коллектори | 30 |
| 2. | Тошкент вилоят ўқув коллектори | 30 |
| 3. | Андижон ўқув коллектори | 30 |
| 4. | Бухоро ўқув коллектори | 30 |
| 5. | Қашқадарё ўқув коллектори | 30 |
| 6. | Наманган ўқув коллектори | 30 |
| 7. | Самарқанд ўқув коллектори | 30 |
| 8. | Сурхондарё ўқув коллектори | 30 |
| 9. | Сирдарё ўқув коллектори | 30 |
| 10. | Жиззах ўқув коллектори | 30 |
| 11. | Фарғона ўқув коллектори | 30 |
| 12. | Қўқон ўқув коллектори | 30 |
| 13. | Хоразм ўқув коллектори | 30 |
| 14. | Навоий ўқув коллектори | 30 |
| 15. | Қорақалпоғистон ўқув коллектори | 30 |
| | ЖАМИ | 450 |

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРАЕТГАН ВИЛОЯТ БОШҚАРУВ МАЪМУРИЯТИ (ОДСОНО) БЎЙИЧА:

| Тартиб рақами | ОДСОНО номи | Топшириладиган қора металл парчалари миқдори (тонна ҳисобида) |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент ОДСОНОси | 20 |
| 2. | Қорақалпоқ ОДСОНОси | 20 |
| 3. | Андижон ОДСОНОси | 20 |
| 4. | Бухоро ОДСОНОси | 20 |
| 5. | Қашқадарё ОДСОНОси | 20 |
| 6. | Наманган ОДСОНОси | 20 |
| 7. | Самарқанд ОДСОНОси | 20 |
| 8. | Сурхондарё ОДСОНОси | 20 |
| 9. | Сирдарё ОДСОНОси | 20 |
| 10. | Фарғона ОДСОНОси | 20 |
| 11. | Хоразм ОДСОНОси | 20 |
| | ЖАМИ | 220 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТАЪМИРЛАШ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАЛАРИ (ХРСУ) БЎЙИЧА ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТОПШИРИШ ТАҚСИМОТ-РЕЖАСИ (1992 ЙИЛ УЧУН)

| Тартиб рақами | Ўқув юртлари, вилоят халқ таълими бошқармалари, таъмирлаш-қурилиш бошқармалари номлари | Қора металл парча-лари миқ-дори (тон-на ҳисобида) | Рангли металл парчалари (килограмм ҳисобида): Ҳаммаси | шу жумладан: Қўрғошин | Алюминий | Мис |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси | 350 | 7738 | 524 | 2220 | 4995 |
| 2. | Толстой номидаги Андижон педагогика билим юрти | 32 | — | — | — | — |
| 3. | Ленинск педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 4. | Бўз педагогика билим юрти | 31 | — | — | — | — |
| 5. | Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 453 | 7738 | 524 | 2220 | 4995 |
| 1. | Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси | 464 | 5199 | 410 | 1110 | 3630 |
| 2. | Хўжаев номидаги Бухоро педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 3. | Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| 4. | Халқ таълими вазирлигининг Бухоро вилоятидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 514 | 5199 | 410 | 1110 | 3630 |
| 1. | Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси | 340 | 4738 | 149 | 1110 | 3480 |
| 2. | Қарши педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 3. | Шаҳрисабз педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 4. | Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 405 | 4738 | 149 | 1110 | 3480 |
| 1. | Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси | 350 | 4738 | 149 | 1110 | 3480 |
| 2. | Навоий давлат педагогика институти | 100 | — | — | — | — |
| 3. | Навоий педагогика билим юрти | 20 | — | — | — | — |
| 4. | Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 480 | 4738 | 149 | 1110 | 3480 |
| 1. | Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси | 300 | 6538 | 349 | 1420 | 4770 |
| 2. | Наманган педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 3. | Чуст педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 4. | Косонсой педагогика билим юрти | 20 | — | — | — | — |
| 5. | Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 390 | 6538 | 349 | 1420 | 4770 |
| 1. | Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси | 465 | 9163 | 1569 | 1920 | 5675 |
| 2. | Макаренко номли Самарқанд педагогика билим юрти | 20 | — | — | — | — |
| 3. | Беруний номидаги Самарқанд педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 4. | Ушинский номидаги Самарқанд педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 5. | Каттақўрғон педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 6. | Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 575 | 9163 | 1569 | 1920 | 5675 |
| 1. | Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси | 250 | 6303 | 464 | 1620 | 4220 |
| 2. | Термиз педагогика билим юрти | 20 | — | — | — | — |
| 3. | Ангор педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 4. | Денов педагогика билим юрти | 29 | — | — | — | — |
| 5. | Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 334 | 6303 | 464 | 1620 | 4220 |
| 1. | Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси | 128 | 3200 | 250 | 690 | 2260 |
| 2. | Гулистон педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 3. | Сирдарё педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 4. | Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 178 | 3200 | 250 | 690 | 2260 |
| 1. | Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси | 177 | 5081 | 368 | 1570 | 3143 |
| 2. | Жиззах давлат педагогика институти | 75 | — | — | — | — |
| 3. | Жиззах педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 4. | Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 287 | 5081 | 368 | 1570 | 3143 |
| 1. | Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси | 455 | 7038 | 820 | 1839 | 4380 |
| 2. | Ангрен давлат педагогика институти | 70 | — | — | — | — |
| 3. | Ангрен педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 4. | Бекобод педагогика билим юрти | 20 | — | — | — | — |
| 5. | Янгийўл педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 6. | Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 20 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 595 | 7038 | 820 | 1839 | 4380 |
| 1. | Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси | 246 | 8863 | 1485 | 1830 | 5549 |
| 2. | Низомий номидаги давлат педагогика институти | 60 | — | — | — | — |
| 3. | Рус тили ва адабиёти педагогика институти | 50 | — | — | — | — |
| 4. | Крупская номидаги педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 5. | Ленин номидаги педагогика билим юрти | 20 | — | — | — | — |
| 6. | Ражабий номидаги педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 7. | Машинасозлик бўйича республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази | 15 | — | — | — | — |
| 8. | Янги технология бўйича республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази | 15 | — | — | — | — |
| 9. | Республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази | 15 | — | — | — | — |
| 10. | Калонов номидаги олий педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 11. | Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 20 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 496 | 8863 | 1485 | 1830 | 5549 |
| 1. | Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси | 380 | 6963 | 403 | 1540 | 5015 |
| 2. | Қўқон давлат педагогика институти | 55 | — | — | — | — |
| 3. | Қўқон педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 4. | Марғилон педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 5. | Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 505 | 6963 | 403 | 1540 | 5015 |
| 1. | Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси | 300 | 4438 | 100 | 720 | 3621 |
| 2. | Урганч педагогика билим юрти | 30 | — | — | — | — |
| 3. | Хива педагогика билим юрти | 25 | — | — | — | — |
| 4. | Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 365 | 4438 | 100 | 720 | 3621 |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги | 415 | 8438 | 1119 | 1720 | 5520 |
| 2. | Нукус давлат педагогика институти | 50 | — | — | — | — |
| 3. | Нукус педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 4. | Беруний педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 5. | Хўжайли педагогика билим юрти | 20 | — | — | — | — |
| 6. | Чимбой педагогика билим юрти | 15 | — | — | — | — |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш бошқармаси | 10 | — | — | — | — |
| | ЖАМИ | 540 | 8438 | 1119 | 1720 | 5520 |

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИНТЕРНАТЛАРИ БЎЙИЧА 1992 ЙИЛДА ҚОРА ВА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТОПШИРИШ ТАҚСИМОТ-РЕЖАСИ

| Тартиб рақами | Муассаса номи | Қора металл парчалари (тонна ҳисобида) | Рангли металл парчалари (килограмм ҳисобида): Қўрғошин | Алюминий | Мис |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Навоий номидаги Республика нафис санъат мактаби | 20 | 5 | 10 | 20 |
| 2. | Тошкент шаҳридаги рус тили чуқур ўргатиладиган ва кучайтирилган ҳарбий-жисмоний тарбия тайёргарлигига ихтисослашган Республика мактаб-интернати | 20 | 5 | 10 | 20 |
| 3. | Республика мусиқа тарбиячилари мактаби | 20 | 5 | 10 | 20 |
| 4. | Самарқанд шаҳридаги рус тили чуқур ўргатиладиган ва кучайтирилган ҳарбий-жисмоний тарбия тайёргарлиги Республика мактаб-интернати | 20 | 5 | 10 | 20 |
| 5. | Фарғона шаҳридаги рус тили чуқур ўргатиладиган ва кучайтирилган ҳарбий-жисмоний тарбия тайёргарлиги Республика мактаб-интернати | 20 | 5 | 10 | 50 |
| | ЖАМИ | 100 | 25 | 50 | 130. |

# ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Кумуш, чиройли гиламлар, отлар, китоблар, кийим-кечаклар харид қилиш ҳаражатлари йўл қўйса бўладиган ҳаражатлардир. Аммо улардан бутунлай воз кечиш ёки уларни харид қилишни яхшироқ ўйлаб кўриш учун бу ҳаражатларни кейинга сурган яхшироқ. Мана шунда ҳаражатлар камроқ бўлади — мамнуният эса кўпаяди. У илтифотталаб бекорчилар, текинхўр хушомадгўйлар тўдасини боқишни бемаъни ҳаражатлар жумласига қўшади. Тежамкорликни Альберти мустақиллик кафолоти деб таърифлайди. Хасислик билан пул совуриш ўртасидаги олтин оралиқда туриш лозим. Бундай олтин оралиқ мўътадилликдир. Яхшиси, пулни мол-мулкка, бирон-бир ишга сарфлаган маъқул. Аммо қарз бермаслик керак. Инсонга, унинг ғайри-табиий имкониятларига ишонч ўрта асрларга мутлақо хос бўлмаган фазилатдир. Инсон — худонинг бандасидир. Инсон ҳаракат учун туғилади, унинг имкониятлари чексиздир. Аммо ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун ҳамма нарсанинг соҳиби бўлиш ва ундан фойдаланиш лозим. Фаоллик диний мулоҳазаларга тобе эмас. Инсон мўл-кўллик, меҳр-муҳаббат, теварак атрофдагиларнинг ҳурматига сазовор бўлиш каби ердаги мукофот ва эзгу турмушни умид қилгани яхшироқ.

(Боши ўтган сонларда).

Альберти дабдабабозлик, худбинлик, ҳаддан ошиш ва жанжалкашликдан огоҳлантиради.

Янги қадриятларнинг шаклланиши католик черковига қарши ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ҳаракатнинг таркиби жиҳатдан мураккаб кенг қатнашчилари билан ҳам боғлиқдир. Реформация деб аталган бу ҳаракат XVI асрда Ғарбий ва Марказий Европани ўз ичига олган эди. Реформация мафкурачилари инсон ўз имонини сақлаб қолиш учун черковнинг воситачилигига муҳтож эмас, балки ҳар бир кишининг ички эътиқоди билангина ўзини сақлашга эришиши мумкин деган фикрни таъкидлар эдилар.

Реформация натижасида католик черкови бир қанча мамлакатлардаги ҳукмронлик мавқеидан маҳрум бўлди ёки давлат ҳокимиятига жуда қарам бўлиб қолди. Маънавий диктатура барбод этилди.

Уйғониш даврининг маънавий олий мақсадлари пуританларнинг (лотинча-покдомонларнинг) «дунёвий ахлоқ-одоби» тарзида ривожланди ва тури ўзгариб борди. Ҳисоб-китоб билан иш тутиш, меҳнатсеварлик, бойликка сажда қилиш, камбағаллардан жирканиш, мол-мулк йиғишга ҳирс қўйиш уларнинг ўзига хос хусусиятлари эди. Пуританлар мақсадга эришиш йўлида довюраклик ва саботлилик билан, диний мутаасиблик билан, бошқа одамлар орасида гуноҳсизлиги ва мумтозилгига ишонч билан ажралиб турар эдилар. Сизларга таниш бўлган М. Вебер пуританларнинг (покдомонларнинг) ахлоқ-одоби «капитализм руҳи»ни, бўлажак жамият ахлоқ-одобини қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлди, деб ҳисоблаган эди.

**Парламентаризмнинг юзага келиши.** Ўрта асрлар охирида Европа мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий тузилишида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Шу ўзгаришлар орасида олимлар черков ҳокимияти билан дунёвий ҳокимият бир-биридан ажралганини, бевосита вакиллик жорий этилганини, шу туфайли фуқаролар гражданлар бўлиш имкониятини олганини, ҳуқуқнинг давлат ҳокимияти қуроли сифатидаги аҳамияти ошганини, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий муносабатларга аралашуви тартибга солинганини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Бу нишонлар парламентаризмда, айниқса, яққол намоён бўлди. Парламентаризм ҳукмронликнинг шундай бир тизими бўлдики, ваколатли орган бўлмиш парламентнинг мавжудлиги бу тизимнинг ўзига хос хусусияти эди. Парламент қонун чиқарувчилик ҳокимиятини амалга оширадиган ҳамда ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати кўпчилик йўналишларини белгилаб берадиган бўлиб қолди. Парламентаризм ҳукуматнинг парламент аъзолари олдидаги масъулияти қоидасини назарда тутар эди. Парламент аъзолари эса ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга эдилар. Парламент аввал бошда Англияда XIII асрдаёқ вужудга келган бўлса ҳам, бироқ унинг тузилиши ва вазифалари анча кейинроқ таркиб топди. Парламентнинг тузилиши (икки палата — аслзодаларнинг меросхўрлар вакиллари бўлмиш лордлар палатаси ҳамда рицарлар ва шаҳарликлар вакилларидан иборат бўлган «жамоалар» палатаси) асрлар давомида унчалик ўзгармади. Парламентда масалаларнинг кўриб чиқилиши тартиби ва унинг ваколатлари XIII—XIV асрлар давомида ҳосил бўлди. XIV асрда Англия парламенти қонун чиқарувчилик ташаббусига эга бўлди — парламентнинг қонунлари (статутлари) жамоалар палатасининг талабига биноан қабул қилинар ҳамда лордлар палатаси ва қирол томонидан тасдиқланар эди. Парламент ўз ҳуқуқларини узоқ давом этган баҳслар ва можаролар давомида қирол қўлидан олган эди. XIV асрда қирол Эдуард II парламентни четлаб ўтиб, қонун кучига эга бўлган фармонлар чиқаришга киришди. Бироқ парламент қиролнинг фармонлари амалдаги қонунларни ижро этишдан бошқа вазифани бажармаслигини талаб қилди. Шунга эришди ҳам. Бу кураш кейинги асрларда давом эттирилди. Ҳуқуқлар ҳақидаги қонунга кўра (1689 йил) қирол қонунларнинг ижросини парламентнинг розилигисиз тўхтатиб қўйиш ҳуқуқидан маҳрум этилмади, парламент эса ҳамма солиқларга ижозат бериш ҳуқуқини. талабнома билан мурожаат қилиш, сайлов эркинлиги, парламентда мунозара қилиш эркинлиги ҳуқуқини олди. Англиянинг қонунлари XIII асрдан эътиборан парламент депутатларининг қирол ҳокимиятидан мустақиллигини таъминлаб келмоқда. XIX асрдан бошлаб Англия икки партияли тизимдан иборат бўлган классик парламентаризм мамлакати бўлиб қолди.

**«Бемаъни ва оқилона аср».** XVIII аср ҳозирги замон маърифати йўлидаги муҳим босқич бўлди. А. Радишчевнинг шеърида ўша асрга берилган баҳо кичик сарлавҳа қилиб олинди. Аста-секин ҳуқуқий давлатни ва жамиятнинг ҳуқуқий ҳолатини қарор топтириш асосида иқтисодий ҳокимият билан сиёсий ҳокимиятни бир-биридан ажратиш аста-секин қарор топа борди. Шундай ажратиш бўлмаса, эркин айрибошлаш муносабатларини бундан кейин ривожлантириб бўлмас эди, учинчи табақанинг таркибини аниқлаб бўлмас эди.

(Давоми бор).

